Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ – ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ




Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқий демократик давлатнинг ташкил топиши ҳамда ривожланишининг асосий шарти – давлат ва жамиятнинг сиёсий қурилиш тизимини белгилайдиган, фуқаролар эркинликларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, халқнинг муайян тарихий тажрибаси, қабул қилинган халқаро меъёрларга жавоб берадиган Конституциясининг мавжудлигидир. Ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон Республикаси ҳам илк кунларданоқ мамлакатда ҳуқуқий базани вужудга келтиришга катта аҳамият берди ва бу йўналишда жаҳон андазалари асосида ўз Конституциясини ишлаб чиқишни олдинга сурди.

Ўзбекистон Конституцияси ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. Мамлакат Конституциясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ҳуқуқий мустаҳкамланиши йўлидаги муҳим босқич бўлди. Конституция янги жамият ва давлат қурилиши асосларини мустаҳкамлади, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, ҳуқуқий ва сиёсий тизим шаклланиши учун пойдевор қўйди.

Конституция муқаддима ва асосий принциплар; Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари; Жамият ва шахс; Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши; Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши; Конституцияга ўзгартиш киритиш тартиби деб номланган 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат.

Конституциянинг бўлимлари жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Мамлакатимиз бош Қомусида Ўзбекистон Республикасининг давлат сифатидаги асосий Конституциявий тамойиллари кўрсатилган. Давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги ҳамда ташқи сиёсат ушбу тамойиллар жумласига киради.

Демократик жамиятда инсон ва инсон омили биринчи даражали масала эканлиги эътиборга олиниб, Конституцияда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари масаласига алоҳида аҳамият берилади. Конституцияда Ўзбекистон Республикаси барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ҳамда ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлигига алоҳида урғу берилади. Бу қоида «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги ғоя ва нормаларни ўзида мужассамлаштирган.

Конституцияга мувофиқ республикамиз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқий ҳимоя қилинади ва уларга ҳомийлик кўрсатиш кафолатланади. Ҳар кимга сўз ва эътиқод эркинлиги берилган. Ҳар бир инсон фикр юритиш ва уни ифодалаш ҳуқуқига эга. Бу фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар мамлакатимизда давлатдан ажратилган, давлат диний ташкилотлар фаолиятига аралашмайди. Давлат барча динлар учун тенг равишда ривожланиш, фуқароларга динга эътиқод этиш учун имконият яратиб берган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлиб, улар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этадилар. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, мерос ҳуқуқи билан кафолатланади. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, дам олиш, билим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш, суд орқали ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Конституцияда фуқароларнинг бурчлари ҳам белгилаб берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишилар ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур. Конституцияда, шунингдек, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик, меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги масалалари баён этилган. Хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги айтилган.

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулклар ташкил этади. Давлат истеъмолчилар ҳуқуқининг устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Республика иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини белгилашда асосий ўринда турадиган Конституциявий тамойиллар қатор қонунлар, мамлакатимиз Президентининг фармон ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда янада такомиллаштирилган ва ривожлантирилган.

Ўзбекистонда бозор инфратузилмасининг вужудга келиши ва фаолият кўрсатиши жараёнларини тартибга солишни таъминлайдиган қонунчилик меъёрлари шаклланди. «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ мулкчилик барча шаклларининг ҳуқуқий ҳимояси ва тенг ҳуқуқлилиги, давлат мулкидан ташқари хусусий мулк, жамоа (ширкат) мулки, бошқа давлат ва халқаро ташкилотларга қарашли юридик ҳамда жисмоний шахслар мулкининг ривожланиши қонуний асосда кафолатланди. Ишлаб чиқаришнинг кооператив, қўшма корхона, акционерлик ва бошқа корхона, акционерлик ва бошқа турларига кенг йўл очилди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир.

Бугунги кунда давлат ўзаро яқин алоқада бўлган ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ икки қисм: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқароларнинг турли-туман манфаатларини ўзида ифодалайдиган мустақил сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларидан иборат. Жамият ҳаётида фахрийлар, ёшлар, хотин-қизлар, кўп сонли жамоат жамғармаларининг ҳуқуқлари қонун асосида кафолатланади. Давлат ҳокимияти идоралари билан жамоат бирлашмалари орасида яқинлик ва ўзаро алоқалар ўрнатишда маҳаллаларнинг алоҳида хизмати бор.

«Ҳақиқий миллий равнаққа, – деган эди мамлакатимизнинг раҳбари, – биз фақат фуқаролик жамияти шарофатидангина эришмоғимиз мумкин».

Жамият асосини оила ташкил этади. Шу сабабли Конституцияда жамиятнинг бу бўғинига алоҳида боб ажратилган. Конституция ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчини ҳамда фарзанднинг ота-она олдидаги бурчини белгилаб берган. Давлат ота-онасиз ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш ҳамда тарбиялашни ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва муқаддас бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла – юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосидир.

Халқимизнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қадрли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Маълумки, Ўзбекистон Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардан иборат. Конституцияда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш ҳамда вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилиши баён этилган.

Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий – давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини белгилайди. Ўзбекистоннинг давлат чегараси, ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир. Бош Қомусимизнинг 52-моддаси Ватан ҳимоясини ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг бурчи, деб белгилади.

Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий тамойилларидан бири халқ ҳокимиятчилигидир. Республикада халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланади. Халқ давлатни бошқаришни бевосита ёки сайлаб қўйилган ўз вакиллари орқали амалга оширади. Бу – Ўзбекистон Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайланган депутатлар орқали бошқаришдир.

Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Президенти иш олиб бориши мумкин. Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг муҳим тамойилларидан бири давлат суверенитетидир. Давлат суверенитети – давлатнинг ўз ички ва ташқи сиёсатини олиб боришдаги тўла мустақиллигидир. Конституциянинг муқаддимасида давлат суверенитети ғояларига содиқлик Ўзбекистон халқининг асосий мақсади эканлиги алоҳида қайд қилинган.

Давлат ҳокимиятини ташкил этишда қонунийлик тамойилига амал қилинади. Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида мамлакат Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикасининг олий вакиллик органи бўлиб, у қонун чиқариш функциясини бажаради. Олий Мажлис сессияси бир йилда камида икки марта чақирилади. Навбатдан ташқари сессиялар Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиси раиси ташаббуси билан ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёхуд Олий Мажлис депутатларининг камида учдан бир қисмининг таклифи билан чақирилади. Олий Мажлис йиғилиши унинг ишида жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади. Қонунлар ва Олий Мажлиснинг бошқа ҳужжатлари фақат йиғилишларда қабул қилинади.

Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг яна бир тамойили, бу – ҳокимиятнинг тақсимланишидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ давлат ҳокимияти тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2003 йил 24 апрелдаги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва унинг ваколатлари доирасига ҳам ўзгартишлар киритилди. Конституциянинг 90-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Конституцияси 89-моддасининг 2-қисми асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатида бўлган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозими Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан республика Бош вазири зиммасига юклатилди. Конституциянинг 98-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституциянинг 89- ва 93-моддаларига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Бош вазир фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Давлат ҳокимияти бошқарувини ташкил этишда маҳаллий ҳокимиятлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органларидир.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз ҳудудларида давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишга раҳбарлик қиладилар, иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш режаларини, маҳаллий бюджетни тасдиқлайдилар, ўзларига бўйсунадиган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятига раҳбарлик қиладилар, қонунларга риоя этилишини, давлат ва жамоат тартиби, фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилинишини таъминлайдилар, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам берадилар.

Мавжуд қонунларга биноан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, Олий Мажлис ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эга.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари сессияларида кўрсатилади. Халқ депутатлари вилоят кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг вилоят органлари томонидан ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари сессияларида кўрсатилади.

Бугунги кунда давлат ўзаро яқин алоқада бўлган ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ икки қисм: давлат ҳокимияти органлари ва бошқаруви ҳамда фуқароларнинг турли-туман қарашларини ўзида ифодалаган мустақил сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларидан иборат.

Жамият ҳаётида фахрийлар, ёшлар, хотин-қизлар, кўп сонли жамоат жамғармаларининг ўрни катта ва улар сони тобора ортиб бормоқда. Давлат уларнинг фаолиятига аралашмаган ҳолда амалий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Уларнинг ҳуқуқлари қонун асосида кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қуйи ва Юқори палаталардан иборат бўлади. Юқори палата сенат, деб юритилади. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 6 кишидан вакил сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ваколат муддати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан мамлакат Президенти Конституциянинг 97-моддасига асосан умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди.

Конституциянинг 81-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қуйи – Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан келгуси йилнинг июнь ойи охирги иш кунига қадар ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар. Уларнинг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганида, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Конституциянинг 82-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ваколатига кирган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган Қонунларни такомиллаштириш мақсадида Конституциянинг 84-моддасида кўрсатилганидек, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун ўн кундан кечиктирилмай, Олий Мажлис Сенатига юборилади. Сенат қабул қилган қонун ҳам имзоланиш учун ўн кун ичида Ўзбекистон Президентига юборилади. Тақдим этилган қонун Президент томонидан ўттиз кун ичида кўриб чиқилиб имзоланади ва матбуотда эълон қилингач, қонуний кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан рад этилган қонун Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига қайтарилади. Агар қонун қайта кўриб чиқилганда Қонунчилик палатаси депутатларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида юзага келган келишмовчиликни бартараф этиш учун улар орасида тенглик асосида келишув комиссияси тузиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтариши мумкин. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек, Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Олий Мажлиснинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда мамлакат Президенти Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилинган қарори асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини Конституциянинг 95-моддасига биноан тарқатиб юбориши мумкин. Уч ой муддатда ҳар икки палатага сайлов ўтказилади. Мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда қонунчилик Олий Мажлис палаталари тарқатиб юборилишига йўл қўйилмайди.

Мамлакатда қонунчиликни таъминлашда прокуратура органларининг тутган ўрни катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Республика прокуратурасининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда белгиланган. Республика Прокуратураси ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширади. Прокурор назоратини таъминловчи ходимлар ҳар қандай сиёсий оқим ва тазйиқлардан Конституциявий талаб билан холи қилинган.

Прокурорлар барча вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат идоралари, ҳокимликлар, шунингдек, кимга бўйсунишдан, кимнинг тасарруфида бўлиши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар қонунларни аниқ ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар. Айни вақтда улар фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ижро этилиши устидан назоратни ҳам бажарадилар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари мамлакатда жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш, уларнинг қонунларни қўллашга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, Қуролли Кучларда қонунийликни таъминлаш, жиноятлар юзасидан тергов юритиш йўли билан назоратни амалга ошириш, қонунларни такомиллаштиришда ташаббус кўрсатиш каби кенг ваколатларга ҳам эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасида одил судловни амалга ошириш мақсадида суд органлари ташкил этилади. Конституция асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, шаҳар, туман судлари тузилади ва улар беш йил муддатга сайланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди – фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилиги асосида тузилган давлат бошқарув тизими кўп миллатли Ўзбекистон халқига давлат бошқарувида, қонунчиликда, ҳуқуқий-демократик давлатни тузишда, мулкчилик формаларини шакллантиришда катта имкониятлар яратиб бердики, бу – соф демократиянинг амалда намоён бўлишидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Конституция жамиятда халқ манфаатлари йўлида ўтказилаётган ислоҳотларни ривожлантиришга имкон берадиган ҳуқуқий асосларни яратди. У инсон ҳуқуқларини, барқарорликни, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига ишончли истиқболни кафолатлайди.

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.**

Военно-политические новости

## МИРОТВОРЦЫ В СУДАНЕ

Совет Безопасности ООН единогласно проголосовал за отправку на юг Судана миротворческого контингента численностью не менее 10 тыс. человек. Это решение стало результатом достигнутых в январе договоренностей, положивших конец 21-летней гражданской войне между Хартумом и боевиками юга страны. Война унесла жизни 2 млн. человек. Миротворцы должны будут следить за соблюдением соглашения о прекращении огня, способствовать урегулированию ситуации и предоставлять гуманитарную помощь. Как заявил генсек ООН Кофи Аннан, мир на юге Судана поможет положить конец конфликту в Дарфуре.

## ЗАДЕРЖАН БОЕВИК

В Сунженском районе Ингушетии задержан боевик, 11 лет скрывавшийся от правосудия. Об этом сообщили в МВД республики. Задержание было проведено накануне в станице Нестеровская. «Задержанный скрывался в одном из домов на улице Советской. Он в течение длительного времени находился в федеральном розыске за совершение тяжких преступлений», – сказал источник. Задержанному предъявлено обвинение по статье 114 Уголовного кодекса России («Нанесение тяжких телесных повреждений»).

## ПРОТИВОРЕЧИТ ИНТЕРЕСАМ

Пребывание Черноморского флота России на украинской территории противоречит национальным интересам Украины. С таким заявлением выступил глава Службы безопасности Украины Александр Турчинов. Он также назвал пребывание российских военных на территории Украины «дискомфортом для государства». «Это не содействует укреплению безопасности государства», – сказал Турчинов. Украинская погранслужба не располагала информацией о том, что российский корабль «Николай Фильченков» должен прибыть в район российского полигона под Феодосией для проведения учений, сообщила пресс-служба Черноморского флота России.

## ПОГИБШИХ СТАЛО МЕНЬШЕ

Количество погибших в Ираке американских военнослужащих резко упало после парламентских выборов в январе. Как сообщил в Багдаде пресс-секретарь американского военного командования Стив Бойлан, после выборов уровень смертей среди американцев снизился на примерно 50%, и, как ожидается, этот показатель в марте станет самым низким за последние 13 месяцев. В то же время он отметил, что, в то время, как число атак против американских войск сократилось, нападения боевиков на иракцев участились.

## МАНДАТ МИССИИ ООН ПРОДЛЕН

Совет Безопасности ООН продлил еще на 12 месяцев - до 24 марта 2006 года - мандат миссии ООН в Афганистане. В единогласно принятой резолюции члены Совбеза призвали международное сообщество оказать помощь афганскому правительству в обеспечении безопасного проведения запланированных на 18 сентября выборов в парламент и местные органы власти, в частности, выделить дополнительные воинские контингенты в состав развернутых в стране международных сил. Численность действующих в Афганистане под командованием НАТО Международных сил по содействию безопасности составляет около 8500 человек, контингент вооруженных сил США насчитывает 18 тысяч солдат и офицеров.

## НЕОБХОДИМО УСТАНОВЛЕНИЕ ИСТИНЫ

Президент Ливана Эмиль Лахуд позвонил генеральному секретарю ООН Кофи Аннану и попросил его «делать все необходимое» для расследования обстоятельств убийства бывшего премьер-министра Рафика аль-Харири. «Лахуд попросил генерального секретаря сделать все необходимое для установления истины в деле с этим преступлением как можно скорее», – говорится в сообщении президентского дворца Ливана.

(По страницам Интернета).

